

## А ж р и м

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш  
хақида)

2023 йил апрель ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, “Чўпон ота” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: суд раиси Д.Камилов, судья ёрдамчиси Х.Мамадалиевнинг котиблигида, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ўринбосари Х.Турсунов, айбланувчи Ш.Хуррамов ва жабрланувчи У.Султановаларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган:

1961 йил апрель ойининг 14 куни Қашқадарё вилоятида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, нафақада, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Низомий кўчаси,

90-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ аторида бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган Хуррамов Шухрат Каримовичга оид 1-1007-2301/149-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Хуррамов Шухрат Каримович, 2023 йил 20 январь соат 16:<sup>30</sup>ларда, бошқарувидаги “ТРЕКЕР” русумли, давлат рақам белгиси 01 L 824 ХВ бўлган автомобилни, Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган Фарход кўчаси бўйлаб, йўл қатнов қисмининг ўнг четидан, қатнов қисмига қараб, орқага 5 км/соат тезликдан бошқариб, “Тикен” дўкони қаршисида, йўлда бўлган ҳолатга ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди г-кичик банди ва

63-банди талабларини бузиб, яъни “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак” ва “Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан



фойдаланиши керак” деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида, тўхтаб турган пиёда Султанова Умида Бакиевнани, автомобил орқа қисми билан уриб юборган.

Содир эитилган йўл-тарнспорт ҳодисаси натижасида пиёда У.Султанова олган тан жароҳатлари билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига олиб борилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 31 январдаги 432-Х-Хуж. сонли ҳулосасига кўра, У.Султанова мазкур йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида “чап оёқ катта болдир суягини дўнглара ро дўнгчасини бўғим ичи ёпиқ синиб силжиши, чап оёқ тизза бўғимига қон қуйилиши (гамартрози) каби тан жароҳатлари олган бўлиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра “оғир” даражадаги тан жароҳатига кириши аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Ш.Хуррамов ва жабрланувчи У.Султанова ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Суд мажлисида, Ш.Хуррамов ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқро р эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи У.Султановага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, ҳозирда жабрланувчи У.Султанова билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида, жабрланувчи У.Султанова ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Ш.Хуррамовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқро р бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, Ш.Хуррамов ва жабрланувчи У.Султановаларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари



билан ўрганиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ўринбосари Х.Турсуновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Ш.Хуррамовнинг айбига ихтиёрий равишда иқдорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи У.Султанова ва Ш.Хуррамовга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Ш.Хуррамовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи У.Султановага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган Хуррамов Шухрат Каримовичга нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Султанова Умида Бакиевнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ш.Хуррамовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворида бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи  
Д.Камилов

(имзо)

*Ажрим аслига тўғри.*



**Маъсул судья: Камилов Дилшод Тулкунджанович**



Хужжат имзоланган: Камилов Дилшод Тулкунджанович, 03.04.2023

